

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ҒОЯЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ (ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЛҚИНИДА)

Иноятов Қутлугжон Ҳамдамович

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва
дизайн институти профессори, тарих фанлари доктори,
Турон Фанлар Академияси академиги

Аннотация: Мақола, Антик ва ўрта аср Шарқ алломаларининг фуқаролик жамиятиги оид ғоялари, назарий ишланмалари ва унинг ривожланишига бағишиланган.

Калит сўзлар: тараққиёт, мутафаккир, Шарқ, таълим, қонун, фуқаролик жамияти, адолат, маърифат, давлат.

Аннотация: Статья посвящена представлениям, теоретическим разработкам и ее развитию древних и средневековых Восточных ученых, о гражданском обществе.

Ключевые слова: развитие, мыслитель, Восток, образование, право, гражданское общество, справедливость, просвещение, государство.

Annotation: The article is devoted to the ideas, theoretical developments and its development of ancient and medieval Eastern scientists, about civil society.

Key words: development, thinker, East, education, law, civil society, justice, enlightenment, state.

Биз жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришга бўлсак, уларнинг замирида биз танлаган ва бутун дунё эътироф этган. “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт йўли ва унинг узвий давоми ҳисобланган Республикализ Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тайёрланиб, амалиётга жорий этилаётган “Тараққиёт стратегияси” турибди.

XXI аср Ўзбекистонда маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, ижтимоий-сиёсий инновациялар асли сифатида бошлини ва ана шундай шароитда баркамол шахс, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш нафақат педагогик, балки ижтимоий заруриятга айланди.

Таълим соҳасида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикализда узлуксиз таълим тизими жорий этилди. Ўнлаб янги олий таълим муассасалари очилди, интелектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Илғор хорижий тажрибалар таълим жараёнига татбиқ этилди. Мустақил тараққиёт йўли давомида мамлакатимизда янги фанлар шаклланиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Бу борада Республкамиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида – Ҳозирги кунда- “таълим-тарбия ишига эътиборни қучайтириш тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан кўриб чиқиш, замонавий ўқув режа ва молиялаштириш.... Олий ўқув юртларидағи ўқитиши сифати”ни [1.-Б.45-47] янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, йўл қийилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Инсоният тараққиётининг барча давраларида фуқаролик жамиятини қуриш энг эзгу ғоя сифатида амал қилган. Унга эришиш учун турли даражадаги назарий қарашлар илгари сурилган. Бир гурух олимлар фуқаролик жамиятини қуриш ғояси Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари ижодида бу масалага оқилона ёндашув уч минг йил илгари шаклланган.

Фуқаролик жамияти ва унинг тушунчалари Марказий Осиё ижтимоий – сиёсий ёрқин намунаси “Авесто” муқаддас китобида ёритилган. Дарҳақиқат, “Авесто”нинг бош ғояси “эзгу фикр, эзгу мақсад, эзгу амал” ҳар қандай жамият ва инсонларро муносабатларнинг маънавий асоси эканлигидан далолатдир.[5; Б.27].

Авестодаги фуқаролик жамиятини қуришнинг бирламчи эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, оиланинг барқарорлигини таъминлаш ғояси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меёрий ҳужжатларда аёлларнинг тенг имконияти ва кенг ҳуқуқлари таъминланган. XXI асрда баъзи мамлакатларда аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи умуман инкор қилинаётган бир даврда, Ўзбекистон Олий мажлис қонунчилик палатасига аёлларнинг сайилланиши учун 30% квотанинг ажратилиши, Оила кодексининг қабул қилиниши, бир томондан юртимизда аёлларга муносабат ва оиласидан қадриятлар қадимий илдизларга эгалигини ифодаласа, иккинчи, томондан фуқароолик жамиятини қуриш йўлидаги оқилона сиёsatнинг ёрқин ифодасидир. [5: Б.22]

Дарҳақиқат, Марказий Осиё уйғониши даври IX-XV-асрларда давлатни бошқариш ваadolatli жамият қуриш, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, ижтимоий масъулияти мезонларининг назарий жиҳатлари ҳақидаги ғоялар Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар ижодида кенг таҳлил қилинган.

Хусусан, Абу Наср ал –Фаробий (870-950) мин “Фозил одамлар шахри”, “Давлат арбобининг афоризмлари” асарларида шарқона сиёсий – ҳуқуқий ва ижтимоий фикр тарихида қарашлар назарий асосланган. Абу Наср Фаробий фикричаadolatli жамият қуриш учун уни мудофаа қилиш ва оқилона

бошқариш йўлларини кўрсатиш лозим. У давлат раҳбарининг бошқарув маҳорати умумий баҳтига эришиш йўлидир деб ҳисоблайди. Адолатли давлатни маърифатли ҳукмдор бошқаради, у маънавият, адолатли етакчиси бўлиши, ўз фазилатлари билан қатъий талабларга жавоб бериши лозим. Бу борада Абу Носир Форобий “Унинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилигандан, синалган энг олий жаноб, раҳбарликка лойик кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташки душмандан муҳофаза қиласадилар” деб давлат бошқарувида демократик тамоилиларни таъминлаш билан боғлиқ аҳлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради.

Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” асарларида адолатли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган.[5:Б.27] Унинг фикрича, жамиятнинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ва интилишлари сабаб бўлади. Адолатли жамиятни қуриш аҳлоқий қадриятларга таяниши ва ривожлантирилиши лозим. Давлат раҳбарининг асосий вазифаси аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўртасидаги сиёсий ва ҳукуқий адолат мезонларини ўрнатишдадир. Бунга унинг фикрича идеал ижтимоий тузилмани қуриш орқали эришилади.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгсизлик натижасидир. Хусусан, Ибн Сино “иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий ҳусусиятларга кўра тенгликсизлик – инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади”[6:Б.29] – деб таъкидлайди. Идеал давлат қуриш ва жамият аҳолисининг маънавий – аҳлоқий равнақи билан боғлиқ. Унинг фикрича, маънавий – аҳлоқий қадриятларнинг юксак қадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

Бу даврда Шарқда ижтимоий адолат, маърифат ва тенглик нафақат назарий меъёр, балки амалий ҳаёт меъёри, ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини топиш ва жамоа бўлиб яшашнинг асоси сифатида тушинилган, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маърифат йўли танланган бўлса, Европа ижтимоий-сиёсий тафаккурида эса насронийларнинг диний догматикаси ҳукмронлик қилиб, диний ва дунёвий манбаатлар ўртасида кураш ривож олган.

Юсуф Хос Хожиб ўзининг “Кудатғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий–аҳлоқий муносабатларини жамиятда қарор топтиришга эътибор қаратган. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар.

Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил адо этади, қолверса яхши иш юритиш ўкуви билан ҳам сийлайди”[7: Б.17] деб таъкидлаган.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутаффакири, давлат арбоби Низоммулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятли. Айниқса, Низоммулмулкнинг “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”[4:Б.98 деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тарғиботларига катта эътибор берилганлигидан далолатdir. Ижтимоий-сиёсий тарққиётнинг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутади.

Шарқнинг буюк давлат арбоби ва саркардаси Амир Темур (1336-1405) бой ижтимоий-сиёсий ва маънавий мероси асосида кўриш мумкин.

Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, харбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солик турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. “Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошганларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни хурматлаб, мартабалаини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулми ситам йўлини тўсадим”. [2: Б.24]

Маълумки, фуқаролик жамиятини – ҳаётийлигини ва самаралигини таъминловчи – ҳуқуқий давлат доирасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, Соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари ҳозирги замон билан ҳамнафас жаранглайди. “Тажриба, - деб ёзади у, менга шуни кўрсатдики, дин ва қонунга таянмаган ҳукумат, ўзининг буюк қудратини узоқ вақт сақлаб тура олмайди. Уни ҳар қандай ёвуз киши кириши мумкин бўлган на томи, на эшиги, на панжаралари бор уйига ўхшатиш мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари бор уйга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари ва бошқарувда ўзим қатий амал қилувчи қонунлар асосида қурдим ”. [2:Б.81]

Шу нуқтаи назардан, мувофақиятли бошқарув қонуниятига кўра, Амир Темур раҳбарнинг адолатга таянишини лозим топган. Унинг фикрига кўра:

“Рахбар учун барча ишларда адолатга амал қилиш керак: у сотилмайдигон ва фазилат эгаси бўлган одамни вазирликка тайинлаш лозим, чунки адолатли вазир ўзи маҳдуд – рахбар адолатсизликларни тўғирлаш мумкин, аммо вазирнинг ўзи шундай бўлса, ҳалокат яқиндир”. [2:Б.83] Сохибқирон фикрича, давлат бошқарувида яна бир муҳим қонуният – қонун устиворлиги. “Қонуний тартиб ва қонунларга амал қилишим баҳт – содатим қалити бўлади”. Бош қонунлар сифатида диний аҳкомларни ва улар асосида ёзилган фикирларни билган. Бунинг барчаси буюк Темур адолатли ва фозил бошқарувга алоҳида эътибор қаратганлигини кўрсатиб турибди.

Комил инсонлар жамиятини ҳақидаги ғоялар Алишер Навойи (1441 - 1501) сиёсий ва адабий фаолияти асоси бўлиб хизмат қиласи. А.Навойи идел ижтимоий-иқтисодий тузум ҳақидаги қарашларини ўзининг “Садди Искандарий”, “Маҳбуб қулуб”, “Пайғамбарлар ва донолар тарихи” ва б. асарларида ёритган. Ижтимоий-иқтисодий тузум муаммоларини фақат адолатли хукумдор бошқараётган ва қонун устивор бўлган мамлакатда амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, А.Навоий учун адолат ва қонун ижтимоий тарақиётнинг асоси ҳисобланади. Унинг концепциясида хукумдор шахси алоҳида аҳамият касб этади. Фазилатли ва идеал шахс ҳақида мулоҳаза юритар экан Навойи ўзига хос инсонпарвар назарияни яратади. Ўз назариясида мутафаккир, бир томондан хукумдор ва боғбонни, бошқа томондан давлат ва боғни гуллаб-яшнайди. Худди шундай агар мамлакатнинг ақилли, доно, адолатли, ҳалқи учун қайғурадигон ва уни севадигон хукумдори бўлса, у ривожланиб фаровонлашади. У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: “... давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг хужми булғалади Гоҳ амирлик ўрнида ўтиридим ва хукумат маҳкамасида ҳалқнинг арзододини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”[3:Б.12] дейди. Адолатли жамият шаклланишининг асосий омили сифатида Навоий инсоний фазилатлар: адолатлилик, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ватанпарварлик, виждонлие, инсонпарварлик ва жасоратни келтириб ўтади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Антик ва ўрта аср Шарқ алломаларининг фуқоролик жамиятиги оид концептуал мероси ва назарий ишланмалари амалиётдаги – давлат ва жамиятда хукмрон меъёрларга фуқарочилик жамияти тамойилларининг объективлашуви ва унинг инсоният социумининг тарихий тараққиётининг таркибий қисми сифатида тушунилиши учун мустаҳкам асос яратдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. –Т: “Ўзбекистон”, 2017. Б.– 45-47
2. Амир Темур тузуклари. –Т.: “Фофур Ғулом” , 1996, Б.–24,81,83.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул- Кулуб. – Т.: “Фофур Ғулом”, 1983. Б –12
4. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т.: “Адолат”. 1992. Б. – 98.
5. Ҳасанов Р. Фуқаролик жамияти. – Т.: “fan va texnologiyalar markazi”, 2019. – Б. –22, 27.
6. Ҳасанов Р., Утамуродов А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Т.: “BROK CLASS SERVVIS“, 2016. Б. –27,29
7. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг. – Т.: “Фан”, 1971. Б. –17.